

6-1-2019

## Issues of strategic approach in management accounting

B.Yu Makhsudov

*Tashkent State University of Economics Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 49,*  
makhsudov1968@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

---

### Recommended Citation

Makhsudov, B.Yu (2019) "Issues of strategic approach in management accounting," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 6 , Article 5.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss6/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА СТРАТЕГИК ЁНДАШУВ МАСАЛАЛАРИ

**Махсудов Бегматжон Юлдашалиевич**  
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**  
**Бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти, и.ф.д.**  
*E-mail: [makhsudov1968@mail.ru](mailto:makhsudov1968@mail.ru)*

**Аннотация:** Бошқарув ҳисобини юртишда асосий эътибор ҳўжалик юритувчи субъектлар ички фаолиятига қаратилмоқда, у фаолият олиб бораётган бизнесни ташқи муҳити эса назардан четда қолмоқда. Шу боисдан, ҳозирги кунда асосий эътиборни ташқи муҳитга қаратадиган бошқарув ҳисоби концепцияси, яъни стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этишга катта эҳтиёж сезилмоқда. Тадқиқотда стратегик бошқарув ҳисобини жорий этиш зарурлиги илмий асосланди. Иқтисодий адабиётлар таҳлили асосида стратегик бошқарув ҳисобини ҳисоб-ахборот таъминотидаги ўрни, жорий этиш тартиби, тактик бошқарув ҳисоби билан таққослама тавсифи ва концептуал асослари ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** стратегик, ҳисоб, бошқарув, рақобат, муҳит, таҳлил, маълумотлар, бизнес, бозор, субъект, қарор, корхона, ташқи, менежер, менежмент, ривожланиш, баҳолаш, мақсад.

**Abstract:** Management accounting focuses on the internal activities of enterprises, the outside business environment in which he operates remains largely unnoticed. Therefore, there is a great need for the concept of management accounting, i.e. strategic management accounting, which focuses on the external environment. The research justified the need for the introduction of strategic management accounting. Developed a description and conceptual framework for the introduction of strategic management accounting in the field of strategic information based on the analysis of economic literature.

### Кириш

Жаҳонда глобаллашувни кучайиши мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни ҳал этишни тақозо қилмоқда. Ушбу вазифаларга эришиш учун ислохотларнинг амалий натижадорлигини ошириш ва янги ташаббусларни илгари суриш керак. Чунки, эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича улкан вазифалар ва имкониятлар пайдо бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Очиқ бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислохотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимида, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим” [1]. Шунингдек мамлакатимизда хориждаги замонавий менежментнинг илғор тажрибаларини жорий этиш ва стратегик ёндашувлар асосида тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса замонавий

менежментнинг илфори усулларидан бир бўлган стратегик бошқарув ҳисобини жорий этишни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда стратегик фикрлашни зарурлиги олимлар ва йирик компаниялар менежерлари томонидан тан олинган. Бунда асосий эътибор компаниялар ўртасида кучайиб бораётган рақобат муҳитига қаратилиши лозим. Кучли рақобат шароитида рақобатдош маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Стратегик бошқарув учун ахборот тизимини роли шундаки, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни рационал ва самарали йўллари кўп жиҳатдан стратегия ишлаб чиқишни натижадорлигини белгилаб беради.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган бошқарув ҳисоби асосан тезкор қарорларни ахборот таъминоти билан шуғулланганлиги боис анъанавий бошқарув ҳисоби деб аталган.

Замонавий корхоналар жорий бошқарув қарорларидан ташқари узоқ муддатли ёки стратегик бошқарув қарорлари ҳам қабул қилишлари керак. Ҳозирги кунга келиб уларни аҳамияти рақобатни кучайиши ва маълумотларни қайта ишлашни янги ахборот имкониятларини пайдо бўлиши билан янада ошди. Бу ҳолат корхонани узоқ истиқболда барқарор фаолият кўрсатишидан манфаатдор бўлган бизнес ҳамкорлар ва бошқарув ходимлари учун ўта муҳимдир.

Ундан ташқари, ишлаб чиқариш тизими ва технологияларини ривожланиши, менежмент назарияси ва амалиётини такомиллаштирилиши оқибатида мавжуд бошқарув ҳисобини такомиллаштириш ва сифатини оширишга эҳтиёж туғилмоқда.

Хорижда ва мамлакатимизда бошқарув ҳисобини ривожлантиришга бағишланган кўплаб асарлар чоп этилди. Хусусан, А.Апчерч ўз тадқиқотларида “Корхоналар ва бошқарувчиларни фаолиятини баҳолаш кўп қиррали ҳисобланади ва ҳамма натижаларни ҳам миқдорий жиҳатдан ўлчаб бўлмайди. Шу боисдан алоҳида эътибор молиявий бўлмаган ва сифат баҳоларига қаратилиши лозим. Бунга стратегик бошқарув ҳисобини жорий этиш орқали эришиш мумкин”, - деб ёзган [3], Н.М. Блаженковани таъкидлашча, “Стратегик бошқарув ҳисоби корхоналарда шаклланиш босқичида бўлиб, унга тор даражада анъанавий бошқарув ҳисобини амал қилишини асосий бир қирраси сифатида қаралмоқда” [4], В.Э.Керимовни фикрича, “Махаллий илмий ва ўқув адабиётларида стратегик бошқарув ҳисоби соҳасидаги адабиётлар деярли мавжуд эмас” [10]. Республикамизни таниқли иқтисодчи олимлари А.К.Ибрагимов, БА.Хасанов, Н.К.Ризаевлар “...амалиётнинг кўрсатишича, бухгалтернинг бухгалтер-менежерга айланиши тенденцияси кучая бошлади”, - деб таъкидлашган [2].

Ушбу олимларнинг бошқарув ҳисобини истиқболда стратегик бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлили йўналишлари бўйича ривожланиши тўғрисидаги фикрига қўшилаемиз. Чунки, бошқарув ҳисобини юқори поғона бошқарувчилар учун стратегик бошқарув ҳисоби ва ички бошқарув ходимлари учун тезкор бошқарув ҳисобига ажратилиши янги, келгусида янада ривожланадиган соҳа бўлиб ҳисобланади.

Проф.К.Друри мазкур масалага тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: “Анъанавий бошқарув ҳисоби ишлаб чиқаришни ўсиши ва рақобатни кучайишини

hozirgi kundaги талабларига жавоб бермай қўйди; ишлаб чиқариш харажатларини анъанавий тизими қарорлар қабул қилишга яроқсиз бўлган маълумотлар тақдим этмоқда; бошқарув ҳисоби амалиёт мустақиллигини йўқотмоқда ва молиявий ҳисобни талабларига риоя қилиб ёрдамчи характерга эга бўлиб қолмоқда”[6].

Ушбу фикрга қўшилиш мумкин. Чунки молиявий ва бошқарув ҳисобига бир хил ёндашмаслик ва бошқарув ҳисобини маълумотлари ташқи молиявий ҳисобот тизими фаолиятини шунчаки ёрдамчи маҳсулоти бўлмаслиги керак. Шунингдек, бошқарув ҳисоби тўлиқ компания фаолиятини ички жабҳаларига ўз эътиборини қаратиб, компания фаолият олиб бораётган бизнесни ташқи муҳитига эса диққатини қаратмаяпти. Шу боисдан, бошқарув ҳисобини асосий эътиборни ташқи муҳитга қаратадиган концепцияси, яъни стратегик бошқарув ҳисобини ривожлантиришга эҳтиёж сезилмоқда.

Компания менежментини стратегик қарорлар тайёрлаши учун зарурий маълумотларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун бошқарув ҳисобини янги методлари зарур. Ушбу методлар мажмуи одатда замонавий ёки стратегик бошқарув ҳисоби деб номланади.

“Стратегик бошқарув ҳисоби” атамаси 20-асрнинг 80-йилларида АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида пайдо бўлган, бироқ, кенг қўлланилмаган. Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, стратегик бошқарув ҳисобига оид баҳслар авж олди. “Стратегик бошқарув ҳисоби” атамаси биринчи бўлиб, К.Симмондз тадқиқотларида келтирилган.


#### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур тадқиқотни олиб бориш жараёнида, бошқарув ҳисобини юритишда асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектлар ички фаолиятига қаратилиши, у фаолият олиб бораётган бизнесни ташқи муҳити эса назардан четда қолаётганлиги, шу боис ҳам бугунги кунда асосий эътиборни ташқи муҳитга қаратадиган бошқарув ҳисоби концепцияси, яъни стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этишга катта эҳтиёж сезилаётганлиги туфайли стратегик бошқарув ҳисобини жорий этиш зарурлиги тадқиқот методологиясининг гуруҳлаш, таққослама таҳлил, тизимли ёндашув ҳамда абстракт таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда илмий асосланди. Иқтисодий адабиётларни таққослама таҳлил қилиш асосида стратегик бошқарув ҳисобини ҳисоб-ахборот таъминотидаги ўрни, жорий этиш тартиби, тактик бошқарув ҳисоби билан таққослама тавсифи ва концептуал асослари ишлаб чиқилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб-ахборот таъминотида стратегик бошқарув ҳисоби муҳим ўринга эга(1-расм).

Стратегик бошқарув ҳисобининг асосий функцияси корхона фаолиятини самарали таҳлил қилиш ва стратегик бошқарув қарорлари қабул қилинаётганда барча манфаатдор шахсларнинг хоҳишларини ҳисобга олиниши учун шароит яратишдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, стратегик бошқарув ҳисоби турли манфаатдор гуруҳлар нуқтаи назарида корхона самарали фаолият кўрсатаётганлик даражасини аниқлаш имконини бериши керак.



**1-расм. Контролинг тизимида ҳисоб-ахборот таъминотини таркибий тузилиши[9]**

Стратегик бошқарув ҳисоби мустақил йўналиш сифатида узоқ муддатдан бери амал қилаётганига қармасдан ҳалигача аниқ бир таърифи шакллантирилмаган.

Хорижда чоп этилган иқтисодий адабиётлар таҳлили стратегик бошқарув ҳисобини умумий тавсифини ажратиш имконини берди(1-жадвал).


**1-жадвал**

**Стратегик бошқарув ҳисобига оид таърифлар**

Тадқиқотчилар	Таърифлар мазмуни
АҚШ бошқарув бухгалтерлари институти	Бошқарув ҳисобини шаклларида бири бўлиб, унда асосий эътибор фирмага таъсир этувчи ташқи омиллар билан боғлиқ маълумотларга қаратилади
К. Уорд	Корхонага жорий қилинган ёки жорий қилиш режалаштирилаётган бизнес-стратегияси контекстидаги бошқарув ҳисобидир
Ж. Иннес	Менежерларни корхонани стратегик қарорларини бажариши учун зарур бўладиган маълумотлар билан таъминлаш воситасидир
К. Симмондс	Компанияни иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширилиши устидан назорат қилиш учун компания ва уни рақобатчилари ҳақида бошқарув ҳисоби маълумотларини таҳлил қилиш ҳамда тақдим этиш
М. Бромвич	Бозорлар ва рақобатчилар харажатлари, компания харажатлари таркиби ҳақидаги молиявий маълумотларни таҳлил қилиш, тақдим этиш ҳамда ушбу бозорлардаги компания ва рақобатчилар узоқ муддатли стратегиясини мониторинг қилиш демакдир
О.Е. Николаева, О.В. Алексеева	Бошқарув ҳисобини комплекс йўналиши ҳисобланиб, узоқ муддатли (стратегик) қарорлар қабул қилиш жараёнига асосий эътиборини қаратади ва ташқи бизнес-муҳитни батафсил таҳлил қилиш кўзда тутилади
В.Б. Ивашкевич	Бошқарув ҳисобини ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, нафақат яқин келажакка, балки узоқ истиқболга асосий эътиборини қаратади.

Манба: Мўаллиф ишланмаси

Стратегик бошқарув ҳисобини амал қилиш жараёни қуйидаги расмда келтирилган (2-расм).



**2-расм. Стратегик бошқарув ҳисобини амал қилиш жараёни [7]**

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, замонавий бошқарув ҳисобини роли анъанавий бошқарув ҳисобидан тубдан фарқ қилади. Анъанавий бошқарув ҳисоби асосан жорий бошқарув қарорларини ахборот таъминоти билан шуғулланади. Стратегик бошқарув ҳисоби эса стратегик қарорларни маълумотлар билан таъминлайди. Ушбу фарқ фойдаланиладиган таҳлил методларини турлича бўлишига ва бошқарув ҳисобини бошқа фанлар, масалан, бухгалтерия ҳисоби, менежмент, маркетинг ва ҳ.к. фанлар билан ўзаро алоқасини бошқача бўлишига олиб келади.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили натижасида тактик ва стратегик бошқарув ҳисобини таққослама тавсифи ўтказилди (2-жадвал).

Биринчидан, стратегик ҳисоб корхона бошқаруви тизимида ўзигагина хос бўлган вазифани бажарадиган бошқарув ҳисоби тизимини алоҳида бир таркибий қисми ҳисобланади.

Иккинчидан, стратегик ҳисоб корхона менежерларини узоқ истиқболга мўлжалланган бошқарув қарорлари тайёрлаши учун тегишли маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилиши керак.

Учинчидан, стратегик бошқарув ҳисоби нафақат ҳисоб тизимини, балки корпоратив менежментни корхона, бизнес-бирликлари, маъсулият марказлари ва бошқалар фаолияти натижалари ҳақидаги молиявий, вақтинчалик ва сифат маълумотларини шакллантирувчи ҳамда умумлаштирувчи муҳим компонентини ҳам ўзида ифодалайди.

## Тактик ва стратегик бошқарув ҳисобини таққослаш

Таққослаш мезони	Стратегик бошқарув ҳисоби	Тактик бошқарув ҳисоби
Кўзланган мақсад	Корхонани доимий ва айниқса инқироз шароитида барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, инқирозга қарши сиёсатни амалга ошириш, иқтисодий ривожланиш потенциалидан максимал фойдаланилишига ёрдам бериш	Корхонада ликвидлилик ва кўзланган фойдага эришишни таъминлаш
Белгиланган вазифалар	- корхонада стратегик мақсадларни белгилаш ва амалга оширишга хизмат қилиш;	- корхона фаолиятини режалаштириш ва бюджетлар тузиш;
	- стратегик режалаштириш бўйича жавобгарлик;	- тактик бошқарув учун корхона фаолиятини «тор» ва кучсиз томонларини аниқлаш;
	- корхона ривожланишини муқобил стратегияларини шакллантириш;	- белгиланган жорий мақсадлардан келиб чиқиб назорат кўрсаткичларини аниқлаш;
	- стратегик режага асос бўладиган ички ва ташқи шароитларни аниқлаш;	- жорий режаларни бажарилишига четланишларни таъсирини таҳлил қилиш;
	- корхонани иқтисодий ривожланишини «тор» ва кучсиз томонларини аниқлаш;	- мотивация ва жорий бошқарув қарорлари қабул қилиш учун ахборот тизимини шакллантириш
	- белгиланган стратегик мақсадларга мувофиқ назорат қилинадиган кўрсаткичларни аниқлаш;	
Функционал вазифаси	- корхонани узоқ истиқболда ривожлантиришни белгиловчи бошқарув қарорларини режалаштириш ва мувофиқлаштириш; - аналитик ҳисоб-китоблар ва ўзаро боғлиқликдаги режа кўрсаткичлар мустақил тизимини яратиш	- ахборот таъминоти; - назорат ва тартибга солиш; - аввал қабул қилинган бошқарув қарорлари натижаларини баҳолаш ва уларни бажарилиши бўйича жавобгарлик
Эътибор қаратиладиган соҳа	корхонани ички ва ташқимухити	корхона фаолияти рентабеллиги ва иқтисодий самарадорлиги
Бошқарув даражаси	стратегик бошқарув	тактик ватезкор бошқарув

Манба: Муаллиф ишланмаси

Тўртинчидан, стратегик ҳисоб тушунчасини фақатгина стратегик менежмент контекстида кўриб чиқиш мумкин, яъни улар чамбарчас боғланган.

Бешинчидан, ички фаолиятга йўналтирилиши борасида кенгайиш, яъни таҳлил қилинаётган маълумотлар таркибига (ёки шакллантирилаётган кўрсаткичлар тизими) ташқи маълумотларни қўшилиши кузатилмоқда.

Хорижий иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш стратегик бошқарув ҳисоби қуйидаги 3 та функцияни бажараётганлигини кўрсатмоқда:

- стратегик бошқарув ҳисоби қарорлар қабул қилинишига ёрдам беради;
- стратегик бошқарув ҳисоби корхона ходимларини маълумотлар билан таъминловчи тизим ҳисобланади;
- стратегик бошқарув ҳисоби корхонадаги маълумотлар олишнингмавжуд методлари эҳтиёжни қондирмаган холларда маълумотларни тақдим этиш йўлларини ўзгартириш имкониятини берадиган технология ҳисобланади.

Стратегик бошқарув ҳисоби кенг йўналиш ҳисобланганлиги учун ҳисобнинг ушбу турини амалиётда жорий этиш учун маълум бир тизимга эга бўлиш лозим.

Стратегик бошқарув ҳисоби тизимини ишлаб чиқишда зарур бўладиган асосий омиллар хорижий адабиётларда батафсил ёритилган. Унга кўра “стратегик бошқарув ҳисобини самарали жорий этиш учун қуйидаги 10 та омиллар бўлиши керак:

стратегик бошқарув ҳисоби стратегик қарорларни қабул қилиниши ва бажарилишига хизмат қилиши лозим;

стратегик бошқарув ҳисоби маълумотларни узатиш жараёнида юз бериши мумкин бўлган бўшлиқларни ёпиши керак;

стратегик бошқарув ҳисоби қарорлар турини аниқлашда ёрдам бериши лозим;

стратегик бошқарув ҳисоби корхона фаолияти самарадорлиги учун мос бўлган молиявий кўрсаткичларни танлаш имкониятини яратиши керак;

стратегик бошқарув ҳисоби нафақат самарадорликнинг молиявий кўрсаткичларини ҳисобга олиши керак;

стратегик бошқарув ҳисоби менежерларга фақат муҳим ва аҳамиятга эга бўлган маълумотлар етказиб беришга хизмат қилиши керак;

стратегик бошқарув ҳисоби тизимида харажатлар тартибга солинадиган ва келишилган (ёки мажбурий) харажатларга туркумланиши лозим;

стратегик бошқарув ҳисобитизими харажатларни дискрецион ва технологик жараёнлар харажатлари кабитуркумлаш имкониятини яратиши керак;

стратегик бошқарув ҳисобитизими да стандарт-костинг методини қўлланилиши стратегик характерга эга бўлиши лозим;

стратегик бошқарув ҳисобитизими мамлакатда бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлиш имкониятини яратиши керак» [8].

Харқандай самарали стратегик бошқарув ҳисобитизимини асосий мақсади барча бўғинлардаги бошқарувчиларни фаолият самарадорлигини изоҳлайдиган ва бизнесни умумий стратегияси билан мувофиқлаштирилган кўрсаткичларни белгилашдани борадир.

Стратегик бошқарув ҳисобини роли стратегик квазифалар ва фаолият кўрсатиш стратегик режаларини акс эттириши керак.

«Стратегик бошқарув ҳисоби бошқарув ҳисобиний йўналиши ҳисобланиб, стратегик қарорлар қабул қилиш учун аборот таъминотини шакллантиришга хизмат қилади. Стратегик бошқарув ҳисоби да корхона фаолият кўрсатаётган, бозордаги стратегик холати, махсулотини дифференциацияси эътиборга олинандиган ҳамда мазкур корхона ниқий матнит



ўлиқзанжиришаклантирилишилозимбўлганташқи бизнес-муҳити(мол етказибберувчилар, рақобатчилар, ташқииктисодийшароитлар, харидорлар, Хукуматнихатти-харакатлари) батафсилтаҳлилқилинишикерак» [5].

Хорижийвамаҳаллийиктисодчиолимларнитадқиқотларидакелтирилган стратегикбошқарувҳисобиниконцептуаласосларитадқиқэтилди(3-жадвал).

**3-жадвал**

**Стратегикбошқарувҳисобиниконцептуаласослари**

Концептуал белгилари	Мазмуни
<b>Предмети</b>	назорат, таҳлил, режалаштириш, прогнозлаштириш талабидан келиб чиқиб, ҳисобмаълумотларини умумлаштириш тизимида акс эттириладигани шлабчиқариш-хўжалик фаолияти, бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва натижаларини баҳолаш босқичлари дауларни асосланган, сифатли ва самарали бўлишини ташиқ қилиш ва бошқариш жараёнлари жамланмасидани боратдир
<b>Объекти</b>	хўжалик юритувчиси субъектларда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти харажатлари ва молиявий натижалари
<b>Мақсади</b>	хўжалик юритувчиси субъектларни барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш ва белгиланган стратегик мақсадларга эришишини «кузатиб бориш»
<b>Вазифалари</b>	- таннархни захира ларни баҳолаш, молиявий натижаларни ҳисоблаш ва бахони белгилаш учун калкуляциялаш; - мотивация ва махсулот ишлаб чиқариш (иш, хизмат) ҳамда бутловчи буюм лари шлаб чиқариш нитўхтати шёки давом эттириш ҳақида бошқарув қарор лари қабул қилиш учун маълумотлар тайёрлаш
<b>Функциялари</b>	- корхона фаолиятини таҳлил қилиш; - стратегик режалаштириш; - корхона фаолияти устидан назорат қилиш
<b>Тамойиллари</b>	- жавобгарлик; - ҳаққонийлик; - бошқарувчанлик; - ўзаробоғлиқлик; - релевантлик
<b>Услубий воситалари</b>	корхона фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш тизим талаблари ва ўзига хос хусусиятлари га мос келувчи тезкор, статистик ва бухгалтерия ҳисобининг методлари жамланмаси ҳисобланади
<b>Ташкил қилиш механизми</b>	1) бошқарув ҳисобини ташкил этиш хўжалик юритувчиси субъектни ички иши ҳисобланади; 2) бошқарув ҳисоби менежерларга молиявий-ишлаб чиқариш фаолияти ҳақида гимаълумотларни қайд этиш, тизимлаштириш ва узатиш га хизмат қилади; 3) бошқарув ҳисоби корхона нитезкор ва стратегик мақсадлари га эришиши учун бошқарув қарор лари қабул қилиш ни ахборот таъминотини шаклантириш мақсади да ҳисоб, ташкил қилиш, режалаштириш, таҳлил қилиш ва назоратни интеграллаш гантизими да қатнашади

**Манба: Муаллиф ишланмаси**

**Хулоса ва таклифлар**

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, стратегик бошқарув ҳисоби фаолият кўрсатиши учун бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнлари бухгалтерия

ҳисоби томонидан ички режалаштириш доирасида тақдим этиладиган миқдорий ва сифатли маълумотлар билан таъминланади. Шунга мос равишда замонавий бухгалтерия ҳисоби корхона ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини амалдаги шароитига мос келувчи стратегик ориентацияга эга бўлиши керак.

Шундай қилиб, компанияни самарали бошқаришда бизнес стратегияни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва амалга оширишни роли каттадир. Шу маънода олиб қараганда компаниялар самарали фаолият кўрсатиши учун стратегик ҳисобни жорий этиши керак. Стратегик ҳисоб қуйидаги вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

- компанияни бозор сегментидаги ўрни тўғрисида ҳаққоний маълумотларни тақдим этиш;
- доимий ўзгарувчи ташқи муҳитни назорат қилиш;
- ҳўжалик юритишга ҳамоҳанг бўлган стратегик ёндашувлар ва мақсадли натижаларни асослаш;
- барқарор рақобат афзалликларга асосланган стратегияни ишлаб чиқиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь, №19 (7521).
2. Амалий бошқарув ҳисоби: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма/А.К.Ибрагимов, БА.Хасанов, Н.К.Ризаев. –Т.: «Молия». 2014. 366-б.
3. Апчерч А. Управленческий учет: принципы и практика: Пер. с англ./Под ред. Я.В.Соколова. - М.: Финансы и статистика, 2002. С.721-750.
4. Блаженкова Н.М. Методика организации стратегического управленческого учета // Бухгалтерский учет. 2008. № 4.с. 66.
5. Вахрушина М.А. Стратегический управленческий учет/М.А.Вахрушина, М.И.Сидорова.–М.: КноРус, 2017. -320 с.
6. Друри К. Управленческий производственный учет/К.Друри. –М.: ЮНИТИ, 2019.- 224 с.
7. Закирова А.Р. Методология и инструментарий управленческого учета в сельскохозяйственных организациях. Дисс. на соис. учен. степ. докт. экон. наук. –Казан, 2011.
8. Ким Л.И. Стратегический управленческий учет: монография/Л.И.Ким. –М.:Инфра-М, 2017. -189 с.
9. Маняева В.А. Методология управленческого учета расходов организации в системе стратегического контроллинга/Специальность 08.00.12 - Бухгалтерский учет, статистика. Автореферат доктора экономических наук. Самара. 2011.
10. Стратегический учет / под ред. В.Э. Керимова. М.: Омега - Л, 2010. с. 3